

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.Tib.62.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АЛИМОВ ИЖОД РУСТАМЖОНОВИЧ

**УМУРТҚА ПОҒОНАСИ ОСТЕОПОРОЗИДА ПЕРКУТАН
ВЕРТЕБРОПЛАСТИКА ҚЎЛЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.28 – Нейрохирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертаци доктора философии (PhD)
Content of the abstract of dissertation doctor of philosophy (PhD)

Алимов Ижод Рустамжонович

Умрутқа поғонаси остеопорозиди перкутан вертебропластикани
қўллашни оптималлаштириш..... 3

Алимов Ижод Рустамжонович

Оптимизация применения перкутанной вертебропластики при
лечении остеопороза позвоночника..... 17

Alimov Ijod Rustamjonovich

Optimization of the use of percutaneous vertebroplasty in the treatment of
vertebral osteoporosis..... 31

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 35

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.Tib.62.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АЛИМОВ ИЖОД РУСТАМЖОНОВИЧ

**УМУРТҚА ПОҒОНАСИ ОСТЕОПОРОЗИДА ПЕРКУТАН
ВЕРТЕБРОПЛАСТИКА ҚЎЛЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.28 – Нейрохирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Tib693 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Республика ихтисослаштирган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.niito.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алиходжаева Гульнорахон Алаутдиновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Макаревич Сергей Валентинович
тиббиёт фанлари доктори

Кадирбеков Равшанбек Турсунбекович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.28.02.2018.Tib.62.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Маҳтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Маҳтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30.

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Ж. Азизов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

У.М. Рустамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари номзоди, катта илмий ходим

И.Ю. Ходжанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда 200 млн.дан ортиқ остеопороз билан касалланган одамлар мавжуд, «2025 йилга остеопороз сабабли патологик синишлар 1,5 маротаба кўпайиб, 65-74 ёшли одамларнинг 87%ни ташкил қилади»¹. Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг маълумотларига кўра, «Ўзбекистонда 30 мингга яқин инсонларда остеопороз, 150 мингга яқин инсонларда остеопения ҳолатлари бўлиши мумкинлиги тахмин қилинган»².

Ҳозирги кунда умуртқа танасининг остеопоротик синишларини даволашда қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Умуртқа танасининг остеопоротик синиш сабаблари, уларни ташхислашда янги диагностик услублар киритилиши, консерватив даволашдаги янги яратилган дори воситаларнинг таъсири, умуртқа поғонаси иммобилизацияси муддатлари, узок муддатдаги иммобилизацияда бўлган беморларнинг иккиламчи асоратларининг профилактикаси каби муаммолар ўрганилган. Умуртқа танасининг остеопоротик синишларида уларнинг мустаҳкамлигини тиклаш мақсадида янги кифопластика жаррохлик усули яратилди. Кифопластика ва вертебропластика муолажалари вақтида ишлатиладиган суяк цементларининг таркибига антибиотик ва контраст моддаларнинг қўшилиши, муолажа жараёнидаги ва муолажадан кейинги асоратларнинг камайишига олиб келган. Бинобарин, умуртқа танасининг мустаҳкамлигини перкутан вертебропластика ёки кифопластика амалиёти орқали тиклашда, юбориладиган суяк цементининг аниқ ҳажмини ҳисоблаш усуллари етарли даражада самара бермаётганлиги, муолажа жараёнидаги рентген нурлари таъсирини камайтириш ечимлари эса адабиётда кам ёритилганлиги, умуртқа танасининг остеопоротик синишини даволашнинг оптимал йўналишларини ишлаб чиқиш долзарб ва муҳим эканлигини исботлайди.

Мамлакатимизда остеопороз касаллигини аниқлашда рентгенологик ва ультратовушли денситометрик текширувлар, биохимик остеомаркерларнинг тадбиқ қилиниши, умуртқа поғонаси остеопорозидида мультиспирал компьютер томограмма текширувлари ёрдамида аниқланадиган денситометрик маълумотлар касалликни аниқлаб, ўз вақтида даволаш муолажаларини ўтказишни таъминлайди. Бугунги кунда «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига» мувофиқ «аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда муҳим вазифалар»³, жумладан,

¹Лесняк О.М., Ершова О.Б., Аудит состояния проблемы остеопороза в странах Восточной Европы и Центральной Азии 2010. Naturaprint; 2011г. С. 1-64.

²Шатуреунов Ш.Ш. с соавт. Пункционная вертебропластика костным цементом при остеопоротических переломах тел груднопоясничных позвонков //Ортопедия, травматология и протезирование. 2014. № 1 (594). С. 10-14.

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон Фармони «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»,07.02.2017

остеопороз касаллигини ташхислаш ва самарали даволашда замонавий технологияларни қўллашни кенгайтириш орқали ахборот коммуникацион технологиялар ва дастурлаштириш асосида ихтисослаштирилган нейрожарроҳлик тиббий ёрдамни ташкиллаштириш, остеопоротик синишлар натижасида юзага келадиган беморлар орасидаги ногиронликнинг олдини олиш ва бартараф этиш, шунингдек, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ҳаёт сифатини оширишда муайян аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Вертебропластика тушунчаси ўтган асрнинг 70-80 йилларида очиқ жарроҳлик муолажаси тарзида бажарилиб, бунда умуртқа танасига стабилизация мақсадида қўйилган винтларни мустаҳкамлигини таъминлашда суяк цементини юборишдан иборат эди. Баъзи жарроҳлар қуйидаги услубни умуртқа ўсмасининг резекциясидан кейинги бўшлиқ ўрнини тўлдириш мақсадида қўллаганлар (Ахмедов Ш.Ч., 2017). Илк бор, перкутан вертебропластика (ПВП) муолажаси 1984 йил Амьена университети (Франция) клиникасининг радиология бўлимида, Galibert ва Deramond шифоқорлари, VC2 агрессив умуртқа гемангиомаси билан даволанаётган 54 ёшли аёлга ўтказилган. Кейинроқ ПВП муолажаси, умуртқанинг метастатик остеолитик жараёнларида ва умуртқа танасининг остеопорози ҳисобига келиб чиққан иккиламчи коллапс ҳолатларида қўлланилган (Абакиров М.Д., 2017).

Кўпгина клиник текширувларнинг натижасига кўра, перкутан вертебропластика муолажаси қўлланилган остеопоротик патологик синишлари билан беморларнинг 90% ҳолатида оғриқ синдромининг юқори даражадаги регресси кузатилади (Макиров С.К. с соавт., 2016).

Муолажадан сўнг, оғриқ камайиши ва унинг тўлиқ тўхташига сабаб бўлган қуйидаги факторлар мавжуд: термик, кимёвий ва механик омиллар (Wang C. et al, 2015).

Механик омил муолажадан сўнг умуртқа танасининг мустаҳкамланиши, патологик синиш туфайли ҳосил бўлган микрохаракатлар тўхташи, шулар ҳисобига нерв оҳирларининг ирритация жараёнини тўхташи, оғриқ камайишининг асосий сабабларидан деб ҳисобланади. Умуртқа танасининг

остеопоротик синишларидаги оғриқ регрессини таъминлашда қўйидаги омил асосий деб ҳисобланади (Buchbinder R. et al. 2015). Термик омил - суяк цементининг полимеризация жараёни ҳисобига, атрофдаги нерв оҳирларининг термик некрози кузатилади. Остеобластлар термик некрози + 50°C ҳароратдан юқори шароитда ва 1 дақиқа давомида кўзатилади, лекин, остеобластлар апаптози +48°C ҳароратда 10 ва ундан ортиқ дақиқада кузатилади (Кавалерский Г.М. с соавт. 2013). Кимёвий фактор - ПММА моддасини цитотоксик таъсири. Мономернинг цитотоксик таъсири ҳисобига ўсма хужайралари зарарланади. Бундай натижалар, кўпгина клиник текширувлар орқали тасдиқланган (Морозов А.К. с соавт. 2008).

Умуртқа остеопорози касаллигини ПВП муолажаси орқали даволашда ижобий натижаларга эришилганига қарамай, ҳозирги кунгача баъзи долзарб масалалар мавжуд. Биз ўрганган адабиётлар ва клиник текширувлар натижасига кўра, умуртқа остеопорозини ПВП муолажаси орқали даволашда, умуртқа танасини тўлиқ мустаҳкамлигини тиклаш учун суяк цементини аниқ ҳажмини ҳисоблаш муаммоси мавжудлиги аниқланган. Ҳозирги кунгача, яқин ва узоқ хориж адабиётлар кўрсатишига кўра, умуртқа танасининг зарарланиш даражаси ва ҳажмига мувофиқаниқ (миллилитрда) суяк цементининг ҳажмини аниқлаш усуллари мавжуд эмас. Умуртқа поғонасининг бўлими ва умуртқа танасининг компрессияси даражасига асосланган тахминий суяк цементининг ҳажми кўрсатилиб келинмоқда (Зарецков В.В. с соавт., 2011).

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг 2017-2019 йй.ларда П320170927463-сон «Умуртқа поғонасининг кўплаб жароҳат ва кўп босқичли касалликларида полиэтиологик оғриқ синдромини даволашда янги диагностик ва даволаш усуллари яратиш» номли илмий-тадқиқотрежаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади шикастланган умуртқа танасининг таянчлилигини тўлиқ тиклаш орқали умуртқа остеопорозини даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

умуртқа поғонаси остеопорозиди умуртқа танаси патологик синишининг клиник кўриниши ва суяк тўқимаси етишмовчилигининг рентгенологик белгиларини ўрганиш;

остеопороз касаллигида умуртқа танасидан чиқувчи веноз томирларнинг анатомио-физиологик хусусиятларини ўрганиш;

остеопороз касаллигини даволашда ПВП муолажаси самарадорлигини аниқлаш;

остеопороз касаллигида умуртқа танаси мустаҳкамлигини тиклаш учун суяк цементининг аниқ ҳажмини ҳисоблайдиган компьютер дастурини яратиш;

умуртқа остеопорози касаллигини даволашда ПВП муолажасини монологатал ёки билатерал кириш йўллариининг солиштирма таҳлилини ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказидаги 2007-2017 йй. давомида 25 дан 81 ёшгача бўлган умуртқа остеопорози ташхиси билан стационар даволанган 74 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида оғриқни баҳолаш учун вербал таъриф шкаласи (VDS) ва ҳаёт сифатини баҳолаш учун Освестри шкаласи маълумотлари, рентгенологик ва денситометрик текширув материаллари олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқотни бажариш давомида клиник-неврологик ва инструментал текширувлар, жумладан МСКТ, МРТ, рентгенография, рентген денситометрия, статистик текширув усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

остеопороз натижасида умуртқа танасининг патологик синиши туфайли содир бўлган оғриқ кучлилиги ва интенсивлиги касалликнинг ривожланиш даврига боғлиқ бўлиб, умуртқа танасининг компрессия даражаси ва патологик синган умуртқалар сонига боғлиқ эмаслиги исботланган;

умуртқа остеопорози бўлган беморларда умуртқа танасидан чиқувчи веноз томирларининг инволюцияси аниқланган ва перкутан вертебропластика муолажасини бажаришда веноспондилография босқичи зарур эмаслиги исботланган;

операциядан кейинги оғриқ синдроми динамикасини солиштирма таҳлил қилиш асосида умуртқа танасининг патологик синишини ПВП орқали даволаш самарадорлиги, умуртқа танасидаги суяк минерал зичлиги танқислиги бўлган қисмларини керакли микдордаги суяк цементи билан тўлиқ қопланишига боғлиқлиги исботланган;

остеопоротик зарарланган умуртқа танасини тўлдириш учун суяк цементи ҳажмини аниқловчи услуб такомиллаштирилган;

умуртқа остеопорозида умуртқа танасини ПВП орқали суяк цементи билан тўлиқ қоплашда билатерал кириш йўли адекват деб исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

умуртқа танасини мустаҳкамлигини етарли даражада таъминлаш учун суяк цементи ҳажмини аниқ программа орқали ҳисобланиши, умуртқадаги оғриқ синдроми камайишига ва умуртқа таянчилигини тикланишига ёрдам берган;

флебоспондилография усулидан воз кечиш ПВП амалиёти бажариладиган беморларга нур таъсирининг камайишини таъминлаб берган;

қуйидаги кичик инвазив даволаш усулини қўлланилиши, беморларнинг стационарда ётиш муддатини ва молиявий харажатини қисқартирган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги етарли беморлар сони, илмий ишда қўлланилган клиник, неврологик ва инструментал текширув усуллари ва қўлланилган шкалалар билан тасдиқланган ва олинган барча

натижа ва хулосалар далилий тиббиёт принципларига ва статистик ишлов бериш хулосаларига асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти такомиллаштирилган даволаш–ташхислаш тактикаси, беморларни динамикада кузатиш асосида тузилган комплекс даволаш тизими, беморларнинг даволашдан кейинги яқин ва узоқ даврлардаги ҳаёт сифатини баҳолаш билан изоҳланади. Олинган натижалар, хулосалар ва таклифлардан умуртқа остеопорозини ташхислашни ва даволашни ўрганишга катта ҳисса қўшади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти остеопоротик синган умуртқа танаси мустаҳкамлигини тўлиқ тикланишини таъминлашда қўлланиладиган янги компьютер дастурини қўллашдан, даволанаётган беморларнинг ҳаёт сифатини оширишдан, шу жумладан операциядан кейинги асоратларни камайтириш ва операция жараёнидаги нурланишни камайтиришдан иборат. Алоҳида олинган натижалар клиник ординатура, магистратура ўқув жараёнларида ва амалий нейрохирургия ва вертебродологияда қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Беморларда умуртқа танасининг остеопоротик синишини ташхислаш ва даволаш истиқболлари бўйича олинган натижалар асосида:

«Умуртқаларнинг деструктив зарарланишини даволашда перкутан вертебропластика амалиёти» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 26 ноябридаги 8н-д/253-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма умуртқа танаси остеопоротик синган беморларни ташхислаш ва даволаш сифатини яхшилаш имконини берган.

«Суяк минерал зичлигини ҳисоблаш» ёрдамида умуртқа танаси остеопоротик синган беморларда ПВП амалиёти ўтказиш орқали даволаш тартиби тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 26 ноябридаги 8н-д/253-сон маълумотномаси). Ушбу услуб умуртқа танасининг остеопоротик синишларни ПВП усули билан даволашда зарур бўлган суяк цементининг хажмини аниқлаш имконини берган.

Умуртқа поғонаси остеопорози касаллигини ташхислаш ва жарроҳлик амалиёти орқали даволаш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг жарроҳлик бўлимларида, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Марказий госпитали жарроҳлик бўлимлари клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 26 ноябрдаги 8н-д/253-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқотларнинг клиник амалиётга жорий қилиниши натижасида умуртқа остеопорози беморларнинг операциядан кейинги ҳолати 93% гача яхшилانган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари 2та халқаро ва 2та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 103 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблилиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий жиҳатдан яқинлиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Остеопороз муаммосининг замонавий жиҳатлари (Адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, бу бобда остеопороз касаллиги эпидемиологияси, клиникаси, ташхиси, даволаш ва шунингдек, даволашнинг замонавий қарашлари каби масалалар кўриб чиқилади. Кейинчалик кўриб чиқилиши зарур бўлган баҳсли ва ҳал этилмаган масалалар кўрсатилган. Амалдаги ташхислаш ва даволаш усулларининг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган аспекти белгиланган.

Диссертациянинг «**Клиник материал ва текшириш усулларининг тавсифи**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот усуллари ва ўрганилган қўлланмалар ҳақида бўлиб, бу тадқиқот Республика нейрохирургия илмий амалий тиббиёт марказидаги 2007 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда умуртқа остеопорози билан даволанган 74 та беморларни ўз ичига олган. Республика ихтисослашган нейрохирургия илмий амалий тиббий марказига мурожаат қилган беморларнинг ёши 25 дан 81 ёшгача бўлиб, ўртача $62,6 \pm 4,1$ ёшни ташкил қилган. Жинси бўйича умумий нисбати қуйидагича бўлган: 81% аёллар ва 19% эркеклар. Беморлар икки гуруҳга: биринчи (асосий) гуруҳ 29 (39%) беморларга компьютер дастури қўлланилган, иккинчи (назорат) гуруҳ 45 (61%) беморларига компьютер дастури қўлланилмаган.

Ташхис қўйишда қўлланилган асосий услубларни, неврологик ва лаборатор текширувлари, бундан ташқари ташхис қўйишда юқори ахборот берувчи инструментал услублар: умуртқа рентгенографияси – 74 бемор (100%), умуртқа поғонаси магнит – резонанс томографияси (МРТ) – 56 бемор (76%), умуртқа компьютер томографияси ва мультиспирал компьютер

томографияси (КТ/МСКТ) – 35 беморга (47%), бел умуртқалари рентген денситометрияси (РД) – 40 беморга (54%) қўлланилган.

Статистик текшируви вариацион параметрик ва нопараметрик статистика усули орқали ўтказилиб, ўрта арифметик кўрсаткич (\bar{X}) ни ҳисоблаш орқали, ўртаквадратик силжиш (σ), 5% меъёридаги тақсимланиш (t_{α}) кўрсаткичлари, нормал тақсимланиш (n) ва математик қутулишлар (a) Лаплас формуласида ҳисобланади.

Беморларнинг ($n=74$) клиник ҳолатини аниқлашда VDS (Verbal Descriptor Scale-Gaston-Johansson F., Albert M., Fagan E. et al., 1990) шкаласи қўлланилди (жадвал 1). Операциядан олдинги даврда асосий гуруҳдаги 29 беморларнинг VDS шкаласи орқали сўров натижаси: 4 балл – 1 (3,5%) бемор, 6 балл – 18 (62%) бемор, 8 балл – 10 (34,5%) бемор ($6,62 \pm 0,38$), назорат гуруҳидаги 45 бемордан: 4 балл – 0 бемор, 6 балл – 32 (71%) бемор, 8 балл 13 (29%) бемор ($6,57 \pm 0,27$).

1-жадвал

VDS оғриқ шкаласи (Verbal Descriptor Scale)

Клиник кўриниш	Баллар
Оғриқ йўқ	0
Енгил оғриқ	2
Ўрта оғриқ	4
Кучли оғриқ	6
Ўта кучли оғриқ	8
Чидаб бўлмайдиган оғриқ	10

Бундан ташқари, беморларнинг ($n=74$) ҳаёт сифатини аниқлаш мақсадида Освестри шкаласи (J.Fairbank,1980) ва унинг ODI индексини аниқлаш амалиёти қўлланилган. Операциядан олдинги даврда асосий гуруҳдаги 29 беморларнинг ODI орқали сўров натижаси: 86% – 2 (7%) бемор, 83% – 5 (17%), 80% – 13 (45%), 76% - 6 (20,5%), 73% - 2 (7%), 70% - 1 (3,5%) бемор ($79,3 \pm 1,3$), назорат гуруҳидаги 45 бемордан: 86% – 2 бемор (4,5%), 83% – 13 (29%), 80% – 15 (33%), 76% - 11 (24,5%), 73% - 4 (9%) бемор ($79,53 \pm 1,02$).

Ҳар 74 (100%) беморга операция орқали даволаш амалга оширилди.

Катамнез 59 (80%) беморда ўрганилди. Улардан, асосий гуруҳга қарашли – 23 (31%) бемор, назорат гуруҳидан – 36 (49%) бемор.

Операциядан кейинги кузатув муддатини 6 ойдан 10 йилгача ташкил қилди (2007-2017йй.). Ҳамма беморлар, бизнинг тавсиямизга кўра эндокринолог назоратида бўлиб, консерватив даво сифатида бисфосфонат, Д3 ва кальций дори воситаларини қабул қилган. Бундан ташқари, беморлар Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази поликлиникасига динамик кўрикка мурожаат қилганлар.

Тикланиш давридаги натижаларни яхши, қониқарли ва қониқарсиз баҳоладик.

«Яхши» натижа деб, оғриқ синдромининг VDS шкаласига асосан 0 баллни ташкил қилиши кўзда тутилган. Бунда умуртқадаги оғриқнинг тўлиқ тўхташи назарда тутилган.

«Қониқарли» натижа деб, оғриқ синдромининг VDS шкаласига асосан 2 баллни ташкил қилиши кўзда тутилган. Бунда умуртқада энгил оғриқ қолиши назарда тутилган.

«Қониқарсиз» натижа деб, оғриқ синдромининг VDS шкаласига асосан 4 ва ундан баланд баллни ташкил қилиши кўзда тутилган. Бунда умуртқадаги оғриқнинг ўрта даражадан, ўта кучли оғриққача ҳолати назарда тутилган.

Диссертациянинг «**Умуртқа погонасининг кичик инвазив даволаш усули**» деб номланган учинчи бобида умуртқа танасининг патологик синишини даволашда қўлланиладиган кичик инвазив жарроҳлик муолажа – перкутан вертебропластика (ПВП) усули таърифлаб берилган. Қуйида, ПВП га кўрсатма ва қарши кўрсатмалар, қўлланиладиган махсус тиббий анжом ва тиббий ускуналар, жарроҳлик муолажасини бажариш тартиби ва операциядан кейинги даврда бемор назорати кўрсатилган.

Диссертациянинг «**Умуртқа остеопорози бўлган беморларда клиник текширув ва даволаш натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида умуртқа танасининг остеопоротик патологик синишлари беморларида перкутан вертебропластика муолажасидан сўнги яқин ва узоқ натижалар анализи кўрсатилган.

Ҳар 74 (100%) беморга ПВП муолажаси амалга оширилди. Умумий даволанган умуртқалар сони 158 умуртқани ташкил қилди. Булардан, 21 (28%) беморда битта умуртқада муолажа бажарилди, 33 (44%) беморда иккита умуртқада, 13 (18%) беморда учта умуртқада, 5 (7%) беморда тўртта умуртқада ва 2 (3%) беморда 6 та умуртқада муолажа бажарилди. Асосий гуруҳдаги (n=29) беморларда 62 (40%) умуртқалар танаси даволанди, назорат гуруҳдаги (n=45) беморларда 96 (60%) умуртқалар танаси даволанди.

Асосий гуруҳдаги (n=29) беморларга компьютер дастури орқали, умуртқа танасини тўлиқ мустахкамлигини тиклаш учун суяк цементининг аниқ хажми аниқланди. Бунда, 10 (34%) беморда умуртқа танасининг патологик синиш хавфи аниқланди. Қуйидаги умуртқалар ҳам ПВП услуби орқали даволанди.

46 (62%) беморларнинг 102 (65%) умуртқаларига флелбоспондилография ўтказилди. Ҳар бир ўтказилган флелбоспондилография текширувидаги аниқланган веноз томирларининг диаметрини аниқлаш максадида биз яратган компьютер дастури қўлланилди. Натижада, 23 (22%) беморда умуртқа танасидан чиқувчи веноз томирларининг диаметри 0,5 мм гача, 67 (66%) беморда 0,6 мм дан 1 мм гача, 12 (12%) беморда 1,1 мм дан 1,5 мм гача диаметрни ташкил қилди. Умуртқа танасидан чиқувчи веноз томирларининг меъёрий диаметри 1,7 дан 2,2 мм гача ташкил қилади. Қуйидаги кўрсаткичлар, остеопороз касаллигида, томир интимасидаги дегенератив-дисторфик жараёни ҳисобига ҳосил бўлган атрофияни далолат қилади. Шуни ҳисобга

олиб, қолган 28 (38%) беморга перкутан вертебропластика жараёнини бажаришда флелбоспондилография текшируви амалга оширилмади.

Перкутан вертебропластика бажарилган 158 (100%) умуртқа танасининг, 82 (52%) умуртқа танасига монологатерал кириш йўли, 76 (48%) умуртқа танасига билатерал кириш йўли кўлланилди. Бунда, монологатерал кириш йўли билан бажарилган 71 (45%) умуртқа танасига 2 мл дан 3 мл гача суяк цементини юборишга эришилди, билатерал кириш йўли билан бажарилган 55 (35%) умуртқа танасига 4 мл дан 4,5 мл гача суяк цементини юборишга эришилди. Монологатерал кириш йўли билан юборилган суяк цементининг энг кўп миқдорини 4 мл ташкил қилди, билатерал йўл билан эса 6 мл.

Умуртқа остеопорози беморларининг умуртқа танасини тўлиқ мустаҳкамлигини тиклаш учун керакли ҳажмдаги суяк цементини ҳисоблаш мақсадида биз “Суяк минерал зичлигини ҳажмини ҳисоблаш” компьютер дастурини яратдик. Қуйидаги компьютер дастури, МСКТ/КТ текшируви натижаси асосида амалга оширилади.

Компьютер дастури орқали 29 (39%) нафар беморнинг 65та умуртқаси текширилди. Текширилган 65та беморларнинг жароҳатланган умуртқалар локализацияси қуйида келтирилган (жадвал 2).

2-жадвал

Компьютер дастури ёрдамида текширилган умуртқаларнинг локализациясига кўра тавсифи

	Умуртқалар	Сони	%
Кўкрак қисми	Th5	2	3%
	Th6	1	1,5%
	Th8	4	6,25%
	Th9	1	1,5%
	Th10	2	3%
	Th11	4	6,25%
	Th12	12	18,25%
Бел қисми	L1	9	14%
	L2	9	14%
	L3	6	9%
	L4	11	17%
	L5	4	6,25%
Умумий сони		65	100%

Назорат гуруҳидаги (n=45) беморларнинг 96 умуртқаларига ПВП муолажаси орқали суяк цементи жўнатилди. Юборилган суяк цементи ҳажмига кўра: 1,5 мл – 4 (4%) умуртқа, 2,0 мл – 34 (35,5%) умуртқа, 2,5 мл – 10 (10,5%) умуртқа, 3,0 мл – 30 (31,5%) умуртқа, 3,5 мл – 10 (10,5%) умуртқа, 4,0 мл – 7 (7%) умуртқа, 4,5 мл – 1 (1%) умуртқа. Қуйидаги беморларга компьютер дастури орқали суяк цементининг ҳажми аниқланмаган.

Асосий гуруҳдаги компьютер дастури орқали суяк цементининг ҳажми аниқланган (n=29) беморлар умуртқасига юборилган суяк цементи: 3.0 мл – 6 (10%) умуртқа, 4,0 мл – 25 (40,5%) умуртқа, 4,5 мл – 24 (39%) умуртқа, 5.0 мл – 2 (3%) умуртқа, 5.5 мл – 1 (1,5%) умуртқа, 6,0 мл – 4 (6%) умуртқаларни ташкил қилди.

Жадвалдан, 65 (100%) дастур орқали текширилган умуртқалардан VTh12 – 12 (18.25%), VL4 – 11 (17%), VL1 – 9 (14%) и VL2 – 9 (14%) ташкил қилди.

Операциядан кейинги даврдаги беморнинг умумий ҳолати VDS ва Освестри шкалалари орқали баҳоланди.

VDS шкаласи натижасига кўра, иккала гуруҳ беморларида операциядан кейинги оғриқ камайиши кузатилди. Бунда, асосий гуруҳдаги (n=29) беморларда шкала кўрсаткичидаги оғриқнинг пасайиши 0 балл – 27 (94%) беморда, 2 балл – 2 (6%) беморда кузатилди ($0,13 \pm 0,05$), назорат гуруҳидаги (n=45) беморларда эса 0 балл – 10 (23%) бемор, 2 балл – 35 (77%) беморда кузатилди ($1,55 \pm 0,24$). Қуйидаги кўрсаткичларни ҳисобга олиб, асосий гуруҳдаги беморларнинг оғриқ регресси (94%), назорат гуруҳидаги оғриқ регрессидан (23%) кўпроқ ҳолатда кузатилди.

Операциядан кейинги Освестри шкаласи кўрсаткичида ҳам иккала гуруҳдаги беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланиши кузатилди. Бунда, асосий гуруҳдаги (n=29) беморларда ҳаёт сифати яхшиланиши: 13% гача - 11 (38%) бемор, 16% гача - 16 (55%) бемор, 20% гача - 2 (7%) бемор ($15,13 \pm 0,67$). Назорат гуруҳидаги (n=45) беморларда: 13% гача – 4 (9%) бемор, 16% гача – 6 (13%) бемор, 20% гача – 11 (24,5%) бемор, 23% гача – 13 (29%) бемор, 26% гача – 11 (24,5%) бемор ($21,17 \pm 1,19$). Освестри шкаласи кўрсаткичига кўра, асосий гуруҳдаги 38% беморларда ҳаёт сифати 13% гача яхшиланди, назорат гуруҳидаги беморларда эса 13% гача яхшиланиш 9% беморларда кузатилди.

Даволаниш самарадорлигини солиштирма баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлар билан фойдаланилди: яхши, қониқарли, қониқарсиз. Бунда, асосий гуруҳдаги (n=29) беморларда «яхши» натижа 27 (93%) беморда, «қониқарли» 2 (7%) беморда кузатилди. Назорат гуруҳида «яхши» натижа 10 (22%) беморда, «қониқарли» 35 (78%) беморда кузатилди.

Операциядан кейинги узоқ даврдаги беморнинг ҳолатини кузатуви ҳам юқорида келтирилган шкалалар асосида амалга оширилган. Катамнез, 74 операция қилинган бемордан 59 (80%) нафарида ўрганилди. Бунда, асосий гуруҳдаги беморлардан – 23 бемор, назорат гуруҳидаги беморлардан – 36 беморни ташкил қилди. Кузатув муддатини 6 ойдан 10 йилгача ташкил қилди (2007-2017гг.).

VDS шкаласи натижасига кўра, операциядан кейинги узоқ даврда асосий гуруҳдаги (n=23) беморларда шкала кўрсаткичидаги оғриқнинг пасайиши 0 балл – 22 (95,6%) беморда, 2 балл – 1 (4,4%) беморда кузатилди ($0,08 \pm 0,01$), назорат гуруҳидаги (n=36) беморларда эса 0 балл – 17 (47%) бемор, 2 балл – 13 (36%) бемор, 4 балл – 6 (17%) беморда кузатилди ($1,38 \pm 0,01$). Қуйидаги кўрсаткичларга кўра, операциядан кейинги узоқ даврдаги асосий гуруҳ

беморларида оғриқ синдромининг ўзгариши, операциядан кейинги эрта даврдан фарқи деярли аниқланмади. Назорат гуруҳидаги беморларда эса, салбий динамика аниқланиб, 17% беморларда 4 баллик оғриқ синдроми кузатилди.

Операциядан кейинги узоқ даврдаги Освестри шкаласи кўрсаткичида, асосий гуруҳдаги (n=23) беморларда ҳаёт сифати яхшиланиши: 6% гача – 2 (8,7%) бемор, 8% гача - 4 (17,5%) бемор, 10% гача - 4 (17,5%) бемор, 13% гача - 8 (35%) бемор, 16% гача - 4 (17,5%) бемор, 23% гача - 1 (3,8%), (11.95±0,01). Назорат гуруҳидаги (n=36) беморларда: 6% гача – 1 (3%) бемор, 8% гача – 5 (13%) бемор, 10% гача – 2 (6%) бемор, 13% гача – 7 (17%) бемор, 16% гача – 2 (6%) бемор, 20% гача – 4 (12%) бемор, 23% гача – 4 (12%) бемор, 26% гача – 3 (7%) бемор, 30% гача – 2 (6%) бемор, 35% гача – 4 (12%) бемор, 40% гача – 2 (6%) бемор (19.97±3,24). Освестри шкаласи кўрсаткичига кўра, назорат гуруҳи беморларининг операциядан кейинги узоқ даврда ҳаёт сифати, операциядан кейинги эрта даврдагига нисбатан 24% беморда салбий томонга ўзгарган.

Операциядан кейинги узоқ муддатда кузатувдаги беморларни даволаниш самарадорлигини солиштирма баҳолашда, назорат гуруҳидаги беморларнинг кўрсаткичлари ўзгаргани аниқланди. Асосий гуруҳдаги (n=23) беморларда кўрсаткичлар деярли ўзгармаган бўлиб, «яхши» натижа 22 (96%) беморда, «қониқарли» 1 (4%) беморда кузатилди. Назорат гуруҳида «яхши» натижа 17 (47%) беморда, «қониқарли» 13 (36%) беморда, «қониқарсиз» натижа 6 (17%) беморда кузатилди. Қуйида кўрсатилган кўрсаткичларга асосан, 17% назорат остидаги беморларда салбий ўзгариш аниқланди.

Назорат гуруҳидаги (n=45) беморларнинг умумий сонидан 4 (9%) нафар беморга қайта стационар шароитда, олдин патологик синиши аниқланмаган умуртқаларда, кузатув даврида, патологик синиш ҳосил бўлганлиги учун, РИНИАТМ шароитида ПВП муолажаси бажарилди.

Шундай қилиб, асосий гуруҳдаги (n=29) беморларнинг операциядан кейинги эрта ва узоқ муддатдаги кузатув жараёнида клиник ўзгаришлар ижобий томонга силжиди. Назорат гуруҳидаги (n=45) беморларда эса, операциядан кейинги узоқ даврда салбий ўзгаришлар аниқланиб, 4 (9%) нафар бемор умуртқаларида қайта патологик синиш белгилари аниқланди.

ХУЛОСА

1. Остеопороз таъсиридаги умуртқа танасининг патологик синишини клинко-неврологик кўриниши VDS шкаласининг 8 баллига етадиган локал оғриқ тарзида намоён бўлади. Бунда оғриқнинг кучи, умуртқа компрессияси даражаси ва синган умуртқалар сонига боғлиқ эмас. Умуртқа танасининг остеопоротик синишидаги оғриқ синдроми, ODI шкаласига кўра 86% гача беморларнинг ҳаёт сифатини салбийлаштиради.

2. Умуртқа остеопорози касалларида, суяк тўқимасидаги дегенератив-дистрофик жараёнлар туфайли, умурқадан чиқувчи веноз томирларининг

инволюцияси хисобига, уларнинг торайиши во веноз оқимининг камайиши кузатилади.

3. Остеопороз таъсиридаги умуртқа танасининг патологик синишида умуртқа таянчилигини перкутан вертебропластика услуби орқали тўлиқ тиклаш, оғриқ синдромининг юқори даражада (96% гача) камайишига олиб келади.

4. Яратилган «Суяк минерал зичлигини ҳажмини ҳисоблаш» компьютер дастури орқали, остеопороз таъсиридаги патологик синган умуртқаларни таянчилигини тўлиқ тиклаш учун зарур бўлган суяк цементининг ҳажми аникланади.

5. Перкутан вертебропластика бажаришда монологатерал ва билатерал кириш йўллариининг солиштирма таҳлили кўрсатишича, монологатерал кириш йўли орқали суяк цементини 4 мл гача миқдорда, билатерал кириш йўли орқали 6 мл дан ортиқ миқдорда юборилиши мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.28.02.2018.Tib.62.01 ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ТРАВМАТОЛОГИИ И ОРТОПЕДИИ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

АЛИМОВ ИЖОД РУСТАМЖОНОВИЧ

**ОПТИМИЗАЦИЯ ПРИМЕНЕНИЯ ПЕРКУТАННОЙ
ВЕРТЕБРОПЛАСТИКИ ПРИ ЛЕЧЕНИИ ОСТЕОПОРОЗА
ПОЗВОНОЧНИКА**

14.00.28 – Нейрохирургия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2019

Тема диссертации доктора философии (Doctor of philosophy) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.2.PhD/Tib693.

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре нейрохирургии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.niito.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Алиходжаева Гульнарахан Алаутдиновна**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Макаревич Сергей Валентинович**
доктор медицинских наук

Кадирбеков Равшанбек Турсунбекович
доктор медицинских наук

Ведущая организация: **Андижон давлат тиббиёт институти**

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2019 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.28.02.2018.Tib.62.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре травматологии и ортопедии (Адрес: 100147, г.Ташкент, ул. Махтумкули йули, 78. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru, Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр травматологии и ортопедии).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра травматологии и ортопедии (зарегистрирован за №1). Адрес: 100147, г.Ташкент, ул. Махтумкули,78. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки №_____ от _____ 2019 года).

М.Ж. Азизов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

У.М. Рустомова

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, кандидат медицинских наук, старший научный сотрудник

И.Ю. Ходжанов

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации PhD доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире насчитывается «более 200 млн. больных остеопорозом, к 2025 году прогнозируется увеличение общего числа переломов обусловленных остеопорозом в 1.5 раза, в то время как у людей в возрасте 65 - 74 лет, эта цифра достигнет 87%»¹. По данным Научно-исследовательского института травматологии и ортопедии Министерства здравоохранения Республики Узбекистан в стране имеется «не менее 30 тысяч чел. с остеопорозом и 150 тыс. с остеопенией. Прогнозируется увеличение количества больных с остеопорозом и остеопенией до 250 тыс. к 2020 г.»²

На сегодняшний день в лечении остеопоротических переломов тел позвонков проводятся ряд научных исследований. Изучены причины остеопоротических переломов тел позвонков, внедрены новые методы диагностики, созданы и изучены действия новых препаратов для консервативного лечения остеопроза, сроки иммобилизации больных, созданы методы профилактики вторичных осложнений при длительной иммобилизации. Для восстановления опороспособности остеопоротически переломанных тел позвонков применяется новый метод кифопластики. Созданы образцы костных цементов в составе которых имеется антибиотик и контрастное вещество с помощью которых, при выполнении вертебропластики и кифопластики снижено количество осложнений во время и после операции. Несмотря на это, созданные методы расчёта объема костного цемента для введения в тело позвонка методом вертебропалстики или кифопластики не достаточно эффективны, а решения по уменьшению рентген лучевой нагрузки во время операции в литературе мало описаны, соответственно этом свидетельствует о том, что создание оптимальных методов лечения остеопоротических переломов тел позвонков актуально и необходимо.

Внедрение в нашей стране метода определения остеопороза с использованием специфических маркеров крови, применение нового метода мультиспиральной компьютерной денситометрии в диагностике остеопороза позвоночника способствует своевременному определению заболевания и проведению необходимых лечебных мероприятий. В стратегию действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы поставлены задачи «по развитию и усовершенствованию системы медико-социальной помощи»³. В соответствии с этим использование современных компьютерных технологий в диагностике и лечении остеопороза

¹Лесняк О.М. , Ершова О.Б., Аудит состояния проблемы остеопороза в странах Восточной Европы и Центральной Азии 2010. Naturaprint; 2011г. С. 1-64.

²Шатуреунов Ш.Ш. с соавт. Пункционная вертебропластика костным цементом при остеопоротических переломах тел груднопоясничных позвонков //Ортопедия, травматология и протезирование. 2014. № 1 (594). С. 10-14.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947 – сон Фармони «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»,07.02.2017

позвоночника для оказания качественной высокотехнологичной нейрохирургической помощи, а также для предупреждения и снижения инвалидности больных и повышения качества их жизни является одним из актуальных направлений для исследования.

Настоящая научно-исследовательская работа соответствует исполнению задач, поставленных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 20 июня 2017 года №ПП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» и от 18 декабря 2018 года №ПП-4063 «О мерах по профилактике неинфекционных заболеваний, поддержке здорового образа жизни и повышению уровня физической активности населения», а также в других нормативно-правовых актах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии Республики Узбекистан. Настоящая работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии Республики Узбекистан VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Понятие о вертебропластике начало существовать в клинической практике с 70-80х годов прошлого столетия как открытое хирургическое вмешательство, при котором костный цемент вводился с целью укрепления тел позвонков перед установкой стабилизирующих систем. Некоторые хирурги применяли данный метод для заполнения пустого пространства после резекции опухоли тела позвонка. (Ахмедов Ш.Ч., 2017).

